

“МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ” ВА “МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОХИЯТИ

Аширов Мурат Полатбаевич, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти докторанти

СОДЕРЖАНИЕ-СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЙ “ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ” И “ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ”

Аширов Мурат Полатбаевич, докторант Нукусского государственного педагогического института имени Ажинияза

THE CONTENT AND ESSENCE OF THE CONCEPTS “DISTANCE EDUCATION” AND “DISTANCE TEACHING”

Ashirov Murat Polatbayevich, Doctoral student of Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Аннотация: “Масофавий таълим” ва “масофавий ўқитиши” тушунчаларининг мазмунни бўйича маҳаллий илмий-тадқиқот ишлари таълил қилинади. Амалга оширилган таълиллар орқали ушибу тушунчаларнинг моҳиятига оид фикр ва мулоҳазалар таклиф этилади.

Калит сўзлар: масофа, масофавий, таълим, ўқитиши, масофавий таълим, масофавий ўқитиши, ахборот-коммуникация, инфратузилма, ахборот-коммуникация, технология.

Abstract: Local research papers on the content of the concepts “distance education” and “distance teaching” are analyzed. Through the conducted analyses, opinions and considerations regarding the essence of these concepts are proposed.

Key words: distance, remote, education, learning, distant education, distant learning, information and communication infrastructure, information and communication technologies

Аннотация: Проанализированы отечественные научно-исследовательские работы по содержанию понятий “дистанционное образование” и “дистанционное обучение”. На основе проведенного анализа предлагаются мнения и суждения о сущности этих понятий.

Ключевые слова: дистанция, дистанционный, образование, обучение, дистанционное образование, дистанционное обучение, информационно-коммуникационная инфраструктура, информационно-коммуникационные технологии.

Мақолада қўлланилган шартли

қисқартмалар рўйхати:

МТ – масофавий таълим

МЎ – масофавий ўқитиши

КИРИШ. Масофавий таълим – бу янги

атама бўлиб, баъзан у масофавий ўқитиши номи билан ҳам аталади. Аммо, бу тушунчалар,



<https://orcid.org/0009-0001-6231-8538>

e-mail:

muratashirov@umail.uz

биринчидан, ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлса, иккинчидан, ушбу тушунчалар, ўз мазмуни ва моҳияти бўйича ўзаро мустақил.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Маълумки, масофавий таълим ва масофавий ўқитиш атамаларининг умумий мазмунини мужассам этган сўз “масофавий” тушунчаси бўлиб, у “Масофа” термини орқали келиб чиқкан. Бу атама “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да кўрсатилишича, араб тилига мансуб сўз бўлиб, у “оралик”, “узоқлик” сифатида изоҳланади. Ушбу сўз “икки нарса, икки нуқта оралиғи, бир ердан иккинчи ергача бўлган оралик” [1;124-б.], – дея таърифланади. “Масофавий” тушунчаси бўлса, “масофадан олиб бориладиган” [1;124-б.], – дея қайд этилган.

Шунингдек, масофавий таълим ва масофавий ўқитиш атамалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган “таълим” ва “ўқитиш” тушунчаларининг мазмунини аниқлаб олиш талаб қилинади.

“Педагогик атамалар луғати”да ушбу тушунчаларига қўйидагича таърифлар келтирилади: “Таълим – ўқувчи ва талабаларга билим бериш, уларни тарбиялаш, ривожлантириш, қўнишка ва малакалар ҳосил қилиш жараёни, ёшларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси[2;70-б.]”. “Ўқитиш – ўқувчи ёки талабаларнинг ўқув, билув жараёнига раҳбарлик қилиш, уларга билим бериш, қўнишка ва малакалар ҳосил қилиш[2;90-б.]”.

Демак, ўқитиш – бу маълум бир мақсадга йўналтирилган ўзаро таъсир жараёни бўлса, таълим ўқитиш жараёнининг умумий натижаси ҳисобланади.

Маълумки, масофавий таълим ва масофавий ўқитиш атамаларининг мазмуни ва моҳиятига оид турли хил фикр-мулоҳаза ва таърифлар мавжуд. Энг аввало, ушбу тушунчаларни педагогик илмий-оммабоп луғатлар орқали кўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди.

“Педагогик энциклопедия”да бу тушунчаларга қўйидагича таърифлар берилган: “Масофавий таълим – ахборот коммуникация техникаси воситасида амалга ошириладиган педагогик жараён” [3;256-б]. “Масофавий

ўқитиш – ўқув машғулотларининг барчаси ёки кўп қисми телекоммуникацион ва замонавий ахборотлаштириш техникаси асосида олиб бориладиган масофадан туриб ўқитиш жараёнини ифодаловчи тушунчা” [3;256–257-б]. Келтирилган таърифлардан англанадики, биринчидан, МТ – бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган педагогик фаолият. Иккинчидан, МЎ – бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида ўқув машғулотларини масофадан туриб ўқитишга йўналтирилган таълим жараёни ҳисобланади.

Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўрақулов, М.Ҳайдаров, О.Ҳасанбоевалар ҳаммуаллифлигида яратилган “Педагогика фанидан изоҳли луғат”да ушбу тушунчаларига қўйидагича таърифлар берилган: “Масофавий таълим – услубларга асосланган ҳолда аҳолининг кенг қатламларига тақдим этилувчи замонавий таълим хизматлари мажмуаси”[4;185-б]. “Масофавий ўқитиш – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиш” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологияларидан фойдаланишга асосланган ўқитиш жараёнини амалга оширишнинг янги услуби”[4;186–187-б.”]. Юқорида берилган таърифлардан англаш мумкини, МТ – бу ҳар кимнинг таълим олиши учун тенг имкониятларини таъминлайдиган янги таълим хизматлар мажмуаси бўлса, МЎ – эса ўқув жараёни иштирокчиларининг маълум вақт орасида ўзаро тўғри ва тескари алоқа режимисиз ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ўқув контентини ўзлаштиришга мўлжалланган янги ўқув фаолияти ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур атамаларининг мазмуни ва моҳияти бўйича бир қатор олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида юқорида ҳам қайд этилган тушунчаларни илмий-назарий ва методологик тарафлама тадқиқ этишга йўналтирилгандир.

Жумладан, Академик С.С.Гулямов ва бошқалар ҳаммуаллифлигида яратилган “Дистанционное экономическое образование” номли монографияда ушбу тушунчаларига

қўйидагича таърифлар қайд этилган: “Масофавий таълим – бу замонавий информацион ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш жараёни амалга ошириладиган ва таълим даражасини (таълим цензини) тасдиқлайдиган педагогик тизим”[5;15-б]. “Масофавий ўқитиш (МЎ) – бу ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ва ўқитиш воситалари билан, уларнинг макондаги жойлашувига нисбатан инвариант ва вакт бўйича мувофиқлаштирилган интерактив (диалогли), асинхрон ёки синхрон ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган жараёни”[5;15-б]. Ушбу келтирилган таърифлардан англаш мумкинки, МТ – бу янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали масофадан туриб ўқитишга мўлжалланган педагогик тизим. МЎ – эса таълим берувчи ва олувчиларнинг маълум бир вакт орасида ўзаро интерактив мулоқотда бўлишига, асинхрон ва синхрон ҳамкорлик орқали маълум бир мақсад учун йўналтирилган таълим жараёнидир.

А.А.Абдуқодиров, А.Х.Пардаевлар томонидан яратилган “Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти” номли монографияда масофавий таълим тушунчасини қўйидагича таърифлайди: “Масофали таълим – масофали ўқитиш усул ва воситалари орқали таълим олиш шакли”[6;121-б]. “Масофали таълим (distant education) – ахборот технологиясидан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб, ўкув ахборотларининг алмашувини таъминлайдиган, ўкув жараёнини олиб бориш ҳамда бошқариш тизимини амалга оширадиган билим ва кўнилмаларни эгаллаш жараёнидир”[6;46-б]. Дарҳақиқат, масофавий таълим – бу масофавий ўқитиш технологияларини қўллаш орқали таълим олиш шакли бўлиб, у ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида ўкув контентини масофадан туриб ўзлаштиришга асосланган ўкув жараёнидир.

Шунингдек, юқорида хам номи қайд этилган, монография муаллифлари томонидан масофавий ўқитиш тушунчасига қўйидагича таърифлар келтирилади: “Масофали ўқитиш – ўқитувчи билан ўкувчининг маълум бир

масофада жойлашган ҳолда таълим бериш ва таълим олиш тизими”[6;2-б]. “Масофали ўқитиш – ахборот-коммуникация технология воситалари ва илмий асосланган ўқитиш усулларини қўллаб, таълим олиш шакли”[6;46-б]. Албатта, масофавий ўқитиш – бу ўкув жараёни иштирокчиларининг турар жойидан қатъи назар, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали таълим олиш шакли ҳисобланади.

О.Д.Раҳимов,

З.Э.Чоршанбиев,

А.Х.Раҳимовлар ҳаммуаллиғида яратилган “Ўзбекистон олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш” номли монографияда ушбу тушунчаларга қўйидагича таърифлар келтирилади: “Масофавий таълим – энг яхши анъанавий ва инновацион услублар, ўқитиш воситалари ва шаклларини ўз ичига олган ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим шакли”[7;16-б]. “Масофавий ўқитиш – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизими” [7;16-б]. Мазкур таърифлардан англаш мумкинки, МТ – энг қулай ва самарали анъанавий ва ноанъанавий усул ва ўқитиш технологияларини қўллаш орқали амалга ошириладиган таълим олиш шакли. МЎ – замонавий ахборот-коммуникация инфратузилмаси имкониятларидан самарали фойдаланишга асосланган таълим тизими”.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.

Масофавий таълим ва масофавий ўқитиш атамаларининг мазмуни ва моҳияти бўйича келтирилган турли хил таърифларнинг умумий мазмуни бу ўкув методик материалларни тақдим этиш ва ўкув машғулотларини масофадан туриб ўзлаштириш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ахборот-коммуникация инфратузилмаси зарурлиги кўрсатилган.

Юқорида хам қайд этилган, турли хил таърифларнинг мазмуни ва моҳиятини таҳлил қилиш орқали қўйидаги фикр ва мулоҳазаларни келтириш мумкин:

- Масофавий таълим ва масофавий ўқитиш тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ ва ўзаро мустақил.
- Масофавий ўқитиш – бу фаолият жараёни, масофавий таълим – эса фаолият натижасидир.
- Масофавий таълим – масофавий ўқитиш орқали маълум бир мақсад учун йўналтирилган таълим олиш шакли.
- Масофавий таълим – масофавий ўқитиш мажмуаси ҳисобланади.

ХУЛОСА. Мазкур атамаларнинг мазмуни ва моҳиятига оид турли хил таърифлар ва фикр-мулоҳазаларни таҳдил қилиш орқали ушбу тушунчаларни куйидагича талқин қилиш мумкин: масофавий таълим – бу таълим шакли, масофавий ўқитиш – фаолият тури ҳисобланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- O‘zbek tilining izohli lug‘ati: 80 000 dan ortiq so‘z va so‘z birikmasi. Uchinchi jild. L-P / Mas’ul muharrirlar A.Madvaliyev, D.Xudoyberganova. – Toshkent.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbba ijodiy uyi, 2023. – 844 bet.

- Джураев Р.Х., Толипов Ў.Қ., Сафарова Р.Ф., Тўракулов Х.О., Иноятова М.Э., Диванова М.С. Педагогик атамалар лугати. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фан нашриёти, 2008. – 136 б.
- Педагогика: энциклопедия / тузувчилик: жамоа. – Тошкент: Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2015, 376 бет.
- Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли лугат. Тошкент, Fan va texnologiya, 2008, 480 бет.
- Гулямов С.С, Романов А.Н., Алимов Р.Х., Торопцов В.С., Ходиев Б.Ю., Алимов К.А., Бегалов Б.А., Григорович Д.Б. Дистанционное экономическое образование. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 432 б.
- Абдуқодиров А.А, Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. – Тошкент: Фан, 2009. – 145 б.
- Рахимов О.Д., Чоршанбиев З.Э., Раҳимов А.Х. Ўзбекистон Олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш. Монография. – Қарши: Intellect nashriyoti, 2021. – 112 б.

